

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ
ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ



ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИЎ ДАҒИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

УЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ-УД-ДЭВЧІЛАРНИНГ ИЛМИЙ
МАЎЖИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ

ТЎПЛАМИ 1-ҚИСМ

30 АПРЕЛЬ — МАЙ

САМАРҚАНД 2008

Тупрок таркибидagi харакатчан фосфор микдори хайдалма катламда аммофос кўлланилган вариантда ривожланиш даврига мос равишда 23,1; 22,3; 27,1 ва 23,4 мг/кг ни ташкил этган бўлса, хайдов ости катламда 16,0; 18,1; 18,8 ва 17,2 мг/кг эканлиги, НКФУ кўлланилган вариантда юқоридагига мос ҳолда 23,3; 23,5; 25,9; 23,1 ва 16,9; 17,4; 17,2; 17,0 мг/кг бўлганлиги аниқланди. Хайдалма катламда харакатчан фосфор микдори ривожланиш давлари бўйича кескин ўзгармаган ҳолда хайдов ости катламда гўзанинг 4-5 чўбдaрг фазасида 15,7 – 16,9 мг/кг ни ташкил этиб, НКФУ кўлланилганда энг юқори бўлиши, шунингдек вегетация охирига келиб, бошқа вариантларга нисбатан аммофос ва НКФУ кўлланилган вариантларда харакатчан фосфор микдори юқорилиги аниқланди. Бу ҳол аммофос ва НКФУ кўлланилганда тупроқнинг озик режими яхшиланиши ҳамда ўсимликлар кўп ўзлаштирганликлари билан изоҳланади.

НКФУ кўлланилганда гўзанинг барча ривожланиш фазаларида тупроқнинг хайдалма катламда харакатчан фосфор микдори НК вариантга нисбатан 1,1 – 2,1 мг/кг юқорилиги аниқланди. Бироқ, бу кўрсаткичлар аммофос кўлланилган вариантдагидан бироз кам эканлигини ташкиллаш жоиз. Фикримизча, НКФУнинг тупроқда харакатчан фосфор микдори таъсири аммофос сингаридир. Умуман карбонатли шўрланган тупроқлар шароитида НКФУ ўғитини кўллаш тупроқнинг озика режими яхшиланишига, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир килар экан.

КАТТИК БУГДОЙ НАВЛАРИНИНГ ФОТОСИНТЕТИК ФАОЛИЯТИНИ ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИГА БОГЛИҚЛИГИ

Н.М.Турдиева, Қ.Р.Равшанов

Ўсимликларда фотосинтетик фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан бири барг юзасининг катталиги ва унинг шаклланиш динамикасиدير. Юқори ва сифатли ҳосилни асосан оптимал барг юзасини ҳосил килган, бутун усув давомида, узок вақт ишлай оладиган экинзорлардагина олиш мумкин. Шу мақсадда хар бир ўсимлик учун аниқ ўстириш шароитида, ўсув даври давомида энг қулай ўсиш, ривожланиш, фотосинтетик потенциал қувватига эга бўлиши учун мақбул тул килиниги, озикланиш режими ҳосил килинади. Бунда ҳамма агротехник усуллар ўсимликда оптимал барг юзасини ҳосил килишга, ҳамда давомли фаол ишлайдиган фотосинтетик қувватга эга экинзор ташкил килишга қаратилган бўлиши керак.

Сугориладиган ерларда каттик бугдой барг юзаси жуда кўп ташки муҳит омилларига, шу жумладан, экиш муддати ва меъёрларига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Бизнинг тажрибаларимизда каттик бугдойни Истиклол ва Александровка навларини экиш муддати ва меъёрларига боғлиқ ҳолда барг юзасини ўзгариши ўрганилди. Иккала нажда ҳам ўсимликларни барг юзаси

ҳамма экиш муддатларида экиш меъёрларининг пиши бориши билан кўлайиб борди.

Бу навлар 1 октябрда экилганда тўланиш фазасида гектарига 3,0 млн. унувчан уруғ экилганда 1 кв м да Истиклол навида ўртача 2,46 кв.м/кв.м, Александровка навида эса 2,15 кв.м/кв.м барг юзаси ҳосил бўлди. Шундай қонуният 16 – октябр, 1 ва 16 ноябр муддатларида экилган ўсимликларда ҳам кузатилди.

Ўсимликлар ривожланишининг кейинги фазаларида ҳамма экиш муддатлари ва меъёрларида 1 кв метрдаги барг юзаси орғиб борди. Иккала нажда ҳам барг юзасини энг юқори ошиши бошқоқлаш фазасида кузатилди.

Бошқоқлаш фазасида 16 – октябрда экилган майдонда 1 кв. метр барг юзаси экиш меъёри гектарига 3 млн. уруғ экилганда Истиклол навида 6,80 кв.м/кв.м, Александровка навида 6,74 кв.м/кв.м бўлганда экиш меъёри гектарига 6,0 млн уруғта оширилганда 7,33 кв.м/кв.м; 7,25 кв.м/кв.м га тенг бўлди. Шундай қонуният бошқа экиш муддатлари ва меъёрларида ҳам кузатилди.

Энг катта ҳосил бўлган барг юзаси оптимал экиш муддатида (16/Х) экилган ўсимликларда кузатилди. Экиш эрта ёки кеч экилганда ҳам бошқоқлаш фазасида ҳамма экиш меъёрларида 1 кв метрда барг юзаси камайганлиги кузатилди.

Ўсимликларни гуллаш, сут ва мум пишиш фазаларида 1 кв метрда барг юзаси ўсимликларнинг пастки қисмида жойлашган барглارнинг сарғайиб эрта қуриши натижасида камайиб боради. Экиш муддатлари ва меъёрларига боғлиқ ҳолда 1 кв метрда барг юзаси мум пишиш фазасида Истиклол навида 2,52 кв.м/кв.м – 3,14 кв.м/кв.м гача, Александровка навида эса бу кўрсаткич 2,16 кв.м/кв.м–2,87 кв.м/кв.м гача ўзгарди.

Барг юзасининг катталашуви ва ўсимликнинг сербарглиги ҳамма вақт ҳам ҳосилни катталигини кўрсатавермайди. Фақатгина оптимал барг юзасига эга бўлган ўсимликлар қуёш энергиясидан тўлиқ фойдалана олади.

Каттик бугдой навларининг соф маҳсулдорлиги фақат ўсимликни ассимиляция аппаратининг (баргнинг) катталигига, ишлашининг давомийлигига, барглар ишининг интенсивлигигагина боғлиқ бўлмастан агротехник усулларни (экиш муддатлари, меъёрлари, экиш чуқурлигига ва бошқалар) тўғри кўлланишига ҳам боғлиқ бўлади.

Тажрибада фотосинтезининг соф маҳсулдорлигини энг юқори кўрсаткичини Истиклол навида, Александровка навида нисбатан ривожланиш фазаларида юқори бўлади. Оптимал экиш муддатида (19/Х) ва меъёрида (4 млн. дона/га) Истиклол навида ўртача фазалар бўйича 7,92 г/кв.м бўлганда Александровка навида 6,68 г/кв.м га тенг бўлди. Шундай килиб каттик бугдойни Истиклол ва Александровка навларини сугориладиган ерларда ўстирилганда энг юқори фотосинтез соф маҳсулдорлиги, экиш 16 октябрда гектарига 4 млн. дона унувчан уруғ экишанда аниқланди.